# «Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш сиёсати»

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи.**



“Коррупцияга қарши муросасиз курашиш янги босқичга кўтарилди.

Бу йўналишда бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди ва мустақил Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.”

## Соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар




«... Коррупцияга қарши муросасиз курашиш янги босқичга кўтарилди. Бу йўналишда бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди ва мустақил Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди»

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи***

1. Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”**ги ЎРҚ-419-сон Қонуни;

2. **“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-5729-сон Фармони;

3. **“Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-5177-сон Қарори;

4. **“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПФ-6013-сон Фармони.

# “Ўзбектелеком” АКда комлаенс-назорат



«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг 2021 йил 26 мартдаги акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан янги ташкилий тузилма тасдиқланган. Мазкур ташкилий тузилмага асосан Компанияда Иқтисодий хавфсизлик ва комплаенс бошқармаси ташкил қилинган.

Бошқарманинг асосий вазифаларидан бири Компания миқёсида коррупцияга қарши кураш бўйича ISO37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни, хусусан, коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, Компания ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, Компания тизимида коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлаш бўйича ишларни ташкиллаштишдан иборат.

# Бошқарманинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари:




Компаниянинг **коррупцияга қарши курашиш** бўйича фаолиятини такомиллаштириш;

коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган **йўналишлар** ҳамда **коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар** содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;

Компанияда коррупцияга оид **ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш** ва уларга қарши курашиш

Компанияда коррупцияга қарши курашиш тизимини **самарали ишлашини** таъминлаш ва **назорат** қилиш;

коррупцияга қарши ички назорат тизими **(«комплаенс-назорат»)** жорий этиш ва коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш.

# Бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:



Компания ходимларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таҳлилий материалларни, хулосаларни, статистик ва бошқа маълумотларни олиш;

Компания тизими ходимлари фаолиятида аниқланган иқтисодий ва коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш, ходимлардан ёзма тушунтиришлар олиш;

ўз фаолияти доирасида Компания таркибий тузилмалари ва ҳудудий филиалларга хатлар, ёзма кўрсатмалар орқали топшириқлар ва тавсиялар бериш;

Компаниянинг ташкилий бўлинмаларидан ўзига юклатилган лавозим мажбурият ва топшириқларни бажариш учун лозим бўлган маълумотларни олиш;

аниқланган салбий холатлар ва камчиликлар тўғрисида бевосита раҳбариятга ҳабар бериш ва уни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш ва фикр алмашиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича Бошқарма ваколати доирасида тушунча, тафсия ва топшириқлар бериш.

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ «КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ» ТИЗИМИ

## АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ «КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ» —** фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилишини таъминловчи профилактик чораларни ўзида мужассам этган тизим.

**ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” халқаро стандарт сертификати** ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш, зарур чораларни кўриш чора-тадбирларни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги** Фармони, *2020 йил 29 июнь.*

ҚҚК йўналишида “Ўзбектелеком” АК да қабул қилиган ҳужжатлар :

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати
2. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом
3. Одоб-аҳлоқ ва этика тўғрисидаги Кодекси
4. Ички назорат тўғрисидаги Низоми
5. Совғалар ва конгил очар тадбирлар тўғрисидаги Низоми
6. Коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом
7. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома
8. Ходимларнинг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламенти
9. Ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома
10. Алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламент
11. Контрагентларни текширишга оид Йўриқнома ва х.к.

## АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

1. «Ўзбектелеком» АКда иқтисодий хавфсизлик ва комплаенс бошқармаси ташкил этилди.
2. **ISO 37001:2016 халқаро стандарт асосида сертификациядан ўтишга тайёргарлик кўрилмаокда**
3. Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Компанияда бир қатор хужжатлар қабул қилиган
4. **ISO 37001:2016 халқаро стандартига асосланган ҳолда Компания ходимларини ўқитиш ташкил қилинди ва тегишли сертификатлар олинди**

# Эътиборингиз учун ташаккур!